



12.01.2022 даги

Пешку Электр тармоклари ва Пешку туман Ободонлаштириш ва кукаламзорлаштириш бўлинмаси ўртасида
139999500,00 сўм умумий суммага тузилган 1 - сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 110
Шахсий газна ҳисобварақ 100022860062407064200110001

сўмда

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	4221000			
Январь	99 999 900,00			99 999 900,00
Февраль	19 999 800,00			19 999 800,00
Март	19 999 800,00			19 999 800,00
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича	139 999 500,00			139 999 500,00

Жами 139999500,00 сўм

Бир юз ўттиз тўққиз миллион тўққиз юз тўқсон тўққиз минг беш
юз сўм 00 тийин
сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан _____ сўм ёки 100% *** шартноманинг умумий суммасидан
_____ % ***20 _____ ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойда _____% жорий ойнинг _____ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари


Имомов Камолжон Равшанович
(имзо) Ф.И.Ш.

Буюртмачи бош бухгалтери


Бобониёзов Сардор Сайётович
(имзо) Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг
ҳодими қабул қилди

Буюртмачи ходими
қабул қилди

«__» _____ 20__ й.

«__» _____ 20__ й.



БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ УЧУН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ № 1- сонли

2022 йил «12» январь

Пешку тумани
(шартнома тузилган жойи)

Пешку туман Электр таъминоти корхоноси (кейинги ўринларда “Корхона” деб юритилади) нинг Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари У.Тухсанов бир тарафдан ва Пешку туман Ободонлаштириш бошқармаси (кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб юритилади) нинг Устав асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари К.Имомов иккинчи тарафдан тизимдаги ҳисоб варағи ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1 Ушбу шартнома билан Корхона туташтирилган тармоқ орқали Истеъмолчига электр энергияси (кейинги ўринларда “Энергия” деб юритилади) бериб туриш мажбуриятини, Истеъмолчи эса қабул қилинган Энергия ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2 Уланган қуввати 750 кВА ва ундан катта бўлган саноат ва уларга тенглаштирилган Истеъмолчилар олинган Энергиядан ташқари, яна талаб этилган ҳар бир кВт ёки ягона электр энергияси тизимининг юкламали соатларида катнашувчи ҳақиқий максимал қувват (кейинчалик “Қувват”) учун ҳақ тўлайди.

II. ЭНЕРГИЯ МИҚДОРИ

2.1 Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми 311110 кВт.с. ни ташкил қилади.*

2.2 Шарнома тузилган кунда етказиб бериладиган Энергиянинг умумий нархи 139999500 сўми, Қувватнинг нархи 450 сум (амалда бўлган тариф асосида) ташкил қилади. Шундан, бюджет маблағлари ҳисобидан 139999500 (Бир юз ўттиз тўққиз миллион тўққиз юз тўқсон тўққиз минг беш юз) сўм,

2.3 Корхона Истеъмолчига Энергияни (Қувватни) ушбу шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган миқдорда етказиб беради.*

2.4 Корхона томонидан Истеъмолчига етказиб берилган Энергия (Қувват) миқдори Энергияни (Қувватни) ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича аниқланади (2-илова).

Ҳисобга олиш приборлари, шунингдек Корхона билан Истеъмолчиларнинг ҳисоб-китоб қилишига мўлжалланган Энергия ва Қувватни ҳисобга олишнинг бошқа воситалари Корхонанинг Энергия истеъмолини автоматлаштирилган ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизими билан мос келиши. Истеъмолчининг ҳисобидан сотиб олиниши, давлат киёсловидан ўтиши ва ўрнатилиши, бундан кейин эса Корхона вакили томонидан рўйхатга олиниши ва тамғаланиши керак.

2.5 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сонли қарорининг 1-иловасидаги Табiiй монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган Истеъмолчилар учун Энергия таъминотининг йиллик минимал ҳажми 311110 кВт.с.ни ташкил қилади.

III. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1 Етказиб берилган Энергия ва Қувват учун ҳисоб-китоб даври бир ой.

3.2 Корхона ва Истеъмолчи ўртасида ҳисоб-китоб қилиш учун актив ва реактив энергия, шунингдек Қувватнинг ҳисобга олиниши электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида амалга оширилади (3-илова)

Агар Энергияни (Қувватни) ҳисобга олиш прибори баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоғининг чегарасидан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойигача бўлган участкадаги Энергиянинг технологик сарфининг ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш йўли билан далолатнома тузилган ҳолда (4-илова) аниқланади ва ҳақ тўлашда ушбу электр тармоғининг баланс бўйича мансублигига қараб, Корхона ва Истеъмолчи ҳисобига ўтказилади.

3.3 Корхона Истеъмолчи билан биргаликда ҳар ойда энергия ва қувватнинг ҳақиқий сарфини аниқлаш учун ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ёзиб олади.

3.3 Корхона Истеъмолчи билан биргаликда ҳар ойда энергия ва қувватнинг ҳақиқий сарфини аниқлаш учун ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ёзиб олади.

3.4 Истеъмолчи келгуси ҳисоб-китоб даврига у бошланишидан олдин Энергия ва Қувватнинг шартномавий ҳажми нарҳини 30 фоизи миқдорида олдиндан тўловни амалга ошириши шарт.

Истеъмолчи ҳисоб-китоб даврида ҳақиқий истеъмол қилган Энергия ва Қувват учун шартнома шартларидан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китоб қилади

ва тўлик тўловларни навбатдаги ой бошлангунга қадар амалга оширади.

* Изох: Бюджет маблағлари бўйича йиллик харажатлар сметаси тегишли молия органларида рўйхатдан ўтказилгунга қадар, вақтинчалик харажатлар сметаларида белгиланган маблағлар доирасидаги сумма ва миқдорлар кўрсатилади.

Истеъмол килинган Энергия ва Қувват учун Истеъмолчининг қарздорлиги, шартномада белгиланган миқдордан кўп истеъмол килинганлиги учун жарима ва пеня мавжуд бўлса, олдиндан тўлов сифатида ўтказилган маблағлари қарздорликни тугатишга йўналтирилади ва олдиндан тўлов сифатида ҳисобга олинмайди.

3.5 Корхона ҳар ойнинг 25 санасигача Истеъмолчи билан биргаликда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ёзиб олиш билан бир вақтда, ҳисоблагичларнинг тартиб рақамларини ҳамда амалда истеъмол килинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда ҳисоботни расмийлаштиради (5-илова).

Ҳисобот асосида Корхона тегишли ҳисоб-китобни амалга оширади (6-илова) ва Истеъмолчи ҳисоб-фактурани олади.

Истеъмолчида турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта объект мавжуд бўлган тақдирда ҳисоб-китоблар ҳар бир объект бўйича кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура ёзилади.

Ҳисоб-китоб асосида амалга оширилган тўловларни ҳисобга олганда Истеъмолчининг қарздорлиги аниқланса, Корхона хизмат кўрсатувчи банк орқали тўловни амалга ошириши учун акцепт билан тўлов талабномаси беради.

3.6 Истеъмолчи томонидан Энергия (Қувват) истеъмоли ҳақида ҳисобот тақдим этилмаса ёки ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари ёзиб олинмаса, Корхона томонидан ҳисоб-китоблар истеъмолчининг шартномавий миқдори бўйича, кейинчалик Истеъмолчи билан бирга аниқланган ҳақиқий истеъмол килинган Энергия учун қайта ҳисоб-китоб қилган ҳолда, амалга оширилади. Бунда, Корхона хизмат кўрсатувчи банкка белгиланган тартибда тўлов талабномаси ва ҳисоб-фактурани тақдим этади.

3.7 Актив ва реактив Энергия (Қувват) учун ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли қарори билан тасдиқланган Электр энергияси истеъмолчилари ва энергия билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисидаги Низомга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган Электр энергия тарифларига мувофиқ амалга оширилади.

Истеъмолчиларни тегишли тариф гуруҳига мансублиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 10 августда 955-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Электр ва иссиқлик энергияси истеъмолчиларининг тариф гуруҳлари тўғрисида низомга мувофиқ белгиланади.

3.8 Тарифлар ўзгарганида Истеъмолчи етказиб берилаётган Энергия ва Қувват учун янги тариф киритилган кундан бошлаб янги тариф бўйича ҳақ тўлаши керак.

Таърифлар ўзгарганда "Корхона" бюджетдан маблағ олувчини хабардор қилиши ва томонлар янги таърифлар бўйича қўшимча келишув тузишлари лозим. Қўшимча келишув тегишли Ҳазначилик бўлимида ўрнатилганда тартибда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг, янги таърифлар бўйича ҳақ тўланади.

Бунда, Истеъмолчи тариф ошган вазиятда тўлов кунидан бошлаб кейинги 12 ойдан ошмаган муддатга олдиндан тўланган Энергия миқдorigа қўшимча ҳақ тўлашдан озод этилади.

3.9 Энергия (Қувват) учун Корхона ва Истеъмолчи ўртасидаги ҳисоб-китоблар Истеъмолчи томонидан Корхонанинг ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.10 Агар Истеъмолчи Энергиянинг бир қисмини субистеъмолчига бир ставкали тариф бўйича етказиб берса, у Корхонага ушбу субистеъмолчиларнинг энергетика тизимининг энг катта юкмасида қатнашувчи юкмаси қийматига камайтирилган Қувват миқдори учун ҳақ тўлайди.

3.11 Реактив Энергия (Қувват)ни ўрнини тўлдириш учун чегирмалар (устамалар) битта ҳисобга олиш нуктаси бўйича ўртача ойлик Энергияси истеъмоли 15 минг кВт.соатдан ортиқ бўлган саноат истеъмолчилари ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар, электрлаштирилган (электр энергияси билан юрадиган) темир йўл, шаҳар транспорти, кишлоқ хўжалиги истеъмолчиларига нисбатан амалга оширилади.

3.12 Корхона ва Истеъмолчи ҳар ойда навбатдаги ҳисоб-китоб даври бошланиши ҳолатига ўзаро солиштирув далолатномасини тузади.

3.13 Энергия (Қувват) истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг Автоматлаштирилган тизимига уланган Истеъмолчиларга Энергия (Қувват) етказиб бериш олдиндан тўланган ҳақ доирасида амалга оширилади.

3.14 Истеъмолчининг айби билан Энергия ушбу шартномада талаб этилган ҳажмдан кам истеъмол қилинса, олдиндан тўланган маблағлар қайтарилмайди ва кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

3.15 Ҳисобга олиш прибори Истеъмолчининг айби билан бузилган (пломбаси бузилган, ойнаси синган ва шу кабилар) ҳисобга олиш приборини ишга тушириш схемаси ўзгарган, ҳисобга олиш прибордан ташқари электр қабул қилгичлар уланган ёки Энергия бошқача усулда ўғирланган ҳолларда, биргаликда икки томонлама далолатнома расмийлаштирилади ва шу асосда Корхона Истеъмолчини электр тармоғидан узиб қўйиш ҳуқуқига эга. Далолатнома асосида ҳисобга олиш приборлари охириги марта ўзгартирилган ёки уларни улаш схемаси текширилган кундан бошлаб бутун ўтган, аммо даъво муддатидан кўп бўлмаган, давр учун электр қабул қилгичларнинг уланган қуввати ва Истеъмолчининг 4-иловада кўрсатилган ишлаш соатлари бўйича Энергия сарфи қайта ҳисоблаб чиқилиши шарт.

Корхона 3 иш куни мобайнида Истеъмолчига тўлаш учун қўшимча тўлов ҳужжати ёзиб беради, шунингдек хизмат кўрсатувчи банкка тўлов ҳужжатларини тақдим қилади.

Истеъмолчи қўшимча тўлов ҳужжати бўйича тўловни 10 кун муддатда амалга оширмаса, Корхона кўрсатилган суммани мажбурий тартибда қонун асосида ундириш чораларини кўради.

Ҳисобга олиш прибори кўрсаткичини ёзиб олиш улаш схемасини текшириш деб ҳисобланмайди.

IV. ЭНЕРГИЯНИ ЧЕКЛАШ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИЛИШИНИ

ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

4.1 Истеъмолчи томонидан Корхона билан биргаликда, Энергияни чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари ягона электр энергетикаси тизимида Энергия ва Қувват танқислиги ҳолларида ягона электр энергетикаси тизимининг барқарор параллел ишлашини таъминлаш, авариялар юзага келишининг олдини олиш ҳамда истеъмолчиларнинг тартибсиз узиб қўйилишини бартараф этиш учун чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари ишлаб чиқилади.

Узиб қўйиш жадваллари Истеъмолчи томонидан Корхона вакилларидан узиб қўйиш жадваллари жорий этилиши тўғрисидаги билдиришнома олингандан кейин дарҳол амалга киритилади.

Ушбу билдиришнома Истеъмолчи томонидан бажарилмаганда, Корхона Истеъмолчини огоҳлантиргандан кейин Энергия ва Қувват истеъмолининг белгиланган даражада камайишини таъминловчи миқдорда Энергия бўйича мажбурий равишда чеклайди.

4.2 Электр тармоғи хўжалиги объектларидаги аварияларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ёки одамларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш ишлари билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш зарур бўлганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан, бироқ уни дарҳол хабардор қилган ҳолда, Энергия узатишда узиб қўйиш ёки чеклашларга рухсат этилади.

4.3 Қуйидаги ҳолларда Корхона Истеъмолчига Энергиянинг етказиб берилишини тўхтатиш ва узиб қўйиш оқибатлари учун жавоб бермаслик ҳуқуқига эга:

- а) Энергия (Қувват) шартномавий миқдордан кўп сарфланганида ёки Энергия (Қувват) истеъмолининг белгиланган режими бузилганда;
- б) электр таъминоти шартномасини тузмасдан Энергия истеъмол қилинганда;
- в) “Ўзстандарт” агентлиги томонидан киёслашдан ўтказилган Энергияни ҳисобга олиш приборлари бўлмаганда;
- г) Энергия (Қувват) учун шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлов тўланмаганда;
- д) Корхона тармоқларида электр қабул қилгичлар ўзбошимчалик билан уланганда ёки Қувват шартномада белгиланган миқдордан ошириб юборилганда;
- е) электр қабул қилгичлар ҳисобга олиш приборларидан ташқари уланганда ёки Энергияни ҳисобга олиш схемаси бузилганда, шу жумладан ҳисобга олиш приборларининг ва ўлчаш трансформаторларининг пломбалари бузилганда;
- ж) Корхона вакили ҳисобга олиш приборларини кўришга қўйилмаганда.

4.4 Электр манбаидан узиб қўйилиши техноген ва авария оқибатларида олиб келадиган, ўта ҳавфли ва узлуксиз технологик жараёнли (махсус тартибда Энергия етказиб бериладиган корхоналар рўйхатида киритилганлар) саноат корхоналарида қарздорлик пайдо бўлган тақдирда ҳақ тўланмаганлиги учун Энергия етказиб беришни чеклаш, белгиланган тартибда, электр таъминотининг технологик ва авария бронигача, тўлиқ узиб қўйиш эса – фақат суд қарорига кўра амалга оширилади.

4.5 Барча юқорида кўрсатиб ўтилган вазиятларда ягона электр энергетика тизими электр тармоқларида қайта улаш ва Энергия етказиб берилишини тиклаш ишлари Истеъмолчи томонидан шу билан боғлиқ харажатлар қопланганидан кейин навбат билан амалга оширилади.

V. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1 Истеъмолчининг ҳуқуқлари:

- а) Корхона томонидан шартномавий мажбуриятларнинг шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажарилишини талаб қилиш;
- б) Энергияни электр тармоқларининг бўлиниш чегарасига шартномада кўрсатилган миқдорда етказиб беришни талаб қилиш;
- в) электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида Энергиянинг сифат кўрсаткичларини давлат стандартларида белгиланган даражада сақлашни талаб қилиш;
- г) Корхонанинг электр тармоғи хўжалиги объектларини режали таъмирланиши туфайли Энергия билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида узиб қўйишгача камида 3 сутка олдин огоҳлантиришни талаб қилиш;
- д) Энергиянинг тегишли миқдори учун олдиндан тўлов амалга оширилган тақдирда Энергиянинг шартномавий миқдорини ўзгартиришни талаб қилиш;
- е) Олдиндан ҳақ тўланганлигидан қатъий назар Энергиянинг шартномавий ҳажмини камайитириш томонига ўзгартиришни талаб қилиш.

Бундай талабномалар назарда тутилмаётган ўзгартиришлардан (жорий ой тугашидан) 10 кундан кечикмай берилиши лозим.

5.2 Истеъмолчининг мажбуриятлари:

- а) шартномавий мажбуриятларини шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажариш;
 - б) келгуси ҳисоб-китоб ойи учун Энергия (Қувват) ҳажмига шартномада белгиланган муддатда ҳақ тўлаш;
 - в) Электр қурилмаларини зарур техник ҳолатини ва Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини эксплуатация қилишда Ҳавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиниши ҳамда Энергиядан оқилона фойдаланилишини таъминлаш;
 - г) 7-иловага мувофиқ компенсация қурилмалари иш режимида (реактив энергия ва қувват истеъмоли) риоя қилиш;
 - д) энергетика тизимининг энг катта юқламали соатларида талаб этилган Қувватдан ошмаслик.
- Истеъмолчи Корхонанининг талабига кўра қуйидагиларни ҳисобга олиши ва хабар қилиши шарт:
- истеъмол қилинаётган Энергиянинг (Қувватнинг) суткалик, ойлик сарфлари ва ҳақиқий миқдорини;

- ягона электр энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юклагани даврида реактив энергиянинг (куватнинг) хар суткали сарфи;

- ягона электр энергетика тизимининг энг катта юклаганининг ўтиш даврида Энергиянинг (Кувватнинг) хар 30 дақиқадаги сарфи.

5.3 Корхона қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) шартномада белгиланган тартибда ва керакли ҳажмда шартнома мажбуриятлари бажарилишини талаб қилиш;

б) ҳисоб-китоб даврининг хар қайси кунига ўзаро ҳисоб-китоблар солиштирув далолатномасини тузиш.

5.4 Корхонанинг мажбуриятлари:

а) шартномавий мажбуриятларини шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажариш;

б) Энергияни шартномада белгиланган ҳажмда электр тармоқларининг баланс мансублиги чегарасигача узлуксиз етказиб бериш;

в) Истеъмолчиларга Энергияни етказиб беришнинг тўхтатиб турилиши ва бунинг сабаблари тўғрисида маълум қилиш;

г) жорий этиладиган чеклашлар ҳақида, чеклашнинг ҳажми ва вақтини кўрсатган ҳолда, ўз вақтида хабар қилиш;

д) Истеъмолчиларнинг Энергия керакли миқдорда етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар ҳақидаги аризаларини олинган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмасдан кўриб чиқиш, уларни бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

е) Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ 5 кун муддатда ойлик шартномавий миқдорга ўзгартиришлар киритиш, Энергиянинг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш), имконияти бўлмаган тақдирда эса бу тўғрисида Истеъмолчига рад этишнинг сабабини кўрсатган ҳолда ёзма шаклда хабар қилиш.

VI. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА ФОРС-МАЖОР

6.1 Шартномани бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида етказилган ҳақиқий зарар айбдор тараф томонидан иккинчи тарафга тўланиши шарт.

6.2 Энергияни етказиб бериш муддатлари ўтказиб юборилса ёки Энергия шартнома миқдорининг 5 фоиздан ортиқ миқдорда етказиб берилмаса, Корхона хар бир муддати ўтказиб юборилган кун учун Истеъмолчига бажарилмаган мажбуриятлари суммасининг 0,1 фоизи миқдорда пеня тўлайди, лекин пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган Энергия нархининг 50 фоиздан ошмаслиги керак. Пеня тўланиши Корхонани шартнома шартларини керакли ҳажмда бажаришдан ва етказиб бериш муддатининг узайтирилиши ёки Энергиянинг керакли ҳажмда етказиб берилмаслиги натижасида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

6.3 Етказиб берилган Энергия учун ўз вақтида ҳақ тўламаса, Истеъмолчи Корхонага муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун тўлов суммасининг 0,1 фоизи (Энергия махсус тартибда етказиб берилувчи корхоналар учун 0,2 фоиз) миқдорда пеня тўлайди. Бунда, пенянинг умумий суммаси муддати ўтказиб юборилган сумманинг 50 фоиздан ошмаслиги керак. Пеня ҳисоб-китоб давридан кейинги ойнинг тугаганидан кейин бошлаб ҳисобланади.

6.4 Истеъмолчи ҳисобот даврида шартномада кўрсатилган миқдорга нисбатан 5 фоиздан ортиқ Энергия истеъмол қилганда, ҳисоб-китоб даври учун шартномада кўрсатилгандан ортиқ истеъмол қилинган жами ҳажм учун белгиланган тарифнинг 50 фоизи миқдорда Корхона фойдасига жарима тўлайди (6.5-бадда кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно).

6.5 Ушбу шартномада белгиланган Энергиянинг тегишли ҳажми учун олдиндан тўловни амалга ошириш шarti билан Истеъмолчининг таклифи бўйича ҳисоб-китоб даври тугашидан 10 кун олдиндан кечиктирмасдан Энергиянинг шартномавий ҳажмларига киритилган ўзгартиришлар шартномада белгиланган ҳажмдан кўп истеъмолга қирмайди.

6.6 Корхона:

а) Истеъмолчи Энергия истеъмолчининг белгиланган режимига риоя қилмай, Энергия истеъмоли ёки Кувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйган, Корхонаси томонидан белгиланган Энергия истеъмолчини чеклаш жадвалини бажармаган суткаларда паст сифатли Энергия етказиб берилганлиги учун;

б) захира манбаини автоматик улаш, автоматик қайта улаш ва автоматик давр-тезликли ўчиришларнинг ишлаш вақтида Энергияни етказиб беришдаги танаффуслар учун Истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди.

6.7 Истеъмолчининг ягона электр энергетика тизимининг энг катта кучланиши соатларида амалдаги юклагани шартномада назарда тутилган кўрсаткичдан 5 фоиздан ортиқ бўлган тақдирда, ҳисоб-китоб даврининг охирида амалдаги юклаганининг ортиқча бутун қисми учун қайта ҳисоб-китоб қилинади ва белгиланган тарифнинг 50 фоизи миқдорда қўшимча ҳақ ундирилади.

Қўшимча Кувватга ҳақ тўланиши келгусида хар бир аниқ вазият учун Корхонадан тегишли рухсат олмасдан ушбу

6.8 Тарафлар шартномани форс-мажор ҳолатлари, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, курғоқчилик, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайдилар.

VII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОНДАЛАР

7.1 Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, тарафлар томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга кирган ҳисобланади. (Бюджет ташкилотлари учун Ҳазначилик бўлини масида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига мувофиқ, мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга қиради)

7.2 Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

7.3 Шартнома бир йил муддатга тузилади. Шартномани амал қилиш муддати тугагач, тарафлардан бири уни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида ариза бермаса, у шартномада назарда тутилган муддатга ва шартларда узайтирилган ҳисобланади. Бундай ариза шартнома амал қилиш муддатининг охириги ойи мобайнида тақдим қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.08.2017 йилдаги “Товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат ва корпоратив харидларини амалга оширишнинг замонавий шакл ва услубларини янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2014 йил 1 январдаги Ўзбекистон республикасининг Бюджет кодексининг 122 моддаси ва Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси қоидалари 2016 йил 22 декабрда 2850-сон, **Ўзбекистон Республикасининг Давлат харидлари тўғрисидаги 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли қонуни**да шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ғазначиликда рўйхатга олинishi шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин қучга кириши назарда тутилган

Шартнома янги муддатга узайтирилганида унинг шартлари тарафлар қелишувига биноан ўзгартирилиши мумкин. (Бюджетдан маблағ олувчилар учун 2009 йил 16 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2007-сон билан рўйхатга олинган “Давлат бюджетининг ғазна ижроси Қоидалари”га асосан амал қилиш муддати «31» декабрь 2022 йилгача белгиланади).

7.4 Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга фақат қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

7.5 Мазкур шартнома билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Электр энергетикаси тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2009 йил 22 августдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари” ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

7.6 Ушбу шартнома бўйича низолар келиб чиққан тақдирда, тарафлар, қоидага кўра, уларни судгача ҳал этиш юзасидан қелишилган чора-тадбирлар кўрадилар.

Тарафлар ўртасида ўзаро ҳал қилинмаган низолар қонунчиликда ўрнатилган тартибда суд тартибда ҳал қилинади.

VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

« Корхона »

Пешку туман Электр таминоти корхонаси бошқармаси

(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: **Дустлик кучаси**

Тел./факс: **353-18-68**

х/р: **22636000600487303327**

Банк номи: **БУХОРО Ш., "УЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНКИ"**

МФО: **00089** СТИР: **201188400**

ОКОНХ : **11170**

Рахбар:



« Истеъмолчи »

Пешку туман Ободонлаштириш

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: **Пешку туман**

Тел./факс: -----

ш/хв: **100022860062407064200110001**

бюджетдан маблағ олувчи СТИР **203609198**

ОКОНХ : **90211**

Ғазначилик булинмаси номи: **Пешку**

тумани буйича Ғазначилик булинмаси

Ғазна х/в: **23402000300100001010**

Банкнинг номи: **Тошкент шаҳар Марказий банк**

МФО: **00014**

Ғазначилик булинмаси СТИРи: **201122919**

Рахбар: **К.Имомов**



Ҳуқуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш): _____
Гувоҳнома (Диплом) № ва берилган санаси: _____

Етказиб берилаётган Энергия (Кувват)нинг миқдори

1. Тариф гурухи _____
2. Фаолият тури _____
3. Истеъмолчининг электр қурилмаларини уланган қуввати: _____ кВА, (кВт)
4. Электр таъминоти ишончилиги бўйича тоифаси (лойиҳа бўйича): _____
5. Электр таъминоти ишончилиги бўйича амалдаги тоифаси: _____

1	Талаб этилган Кувват, кВт	Энергия миқдори, минг кВт.с	Жумладан тариф гуруҳлари бўйича			
			4	5	6	7
Йил, жами						
I чорак						
Январ	222222					
Феврал	44444					
Март	44444					
II чорак						
Апрел						
Май						
Январь						
III чорак						
Июл						
Август						
Сентябр						
IV чорак						
Октябр						
Ноябр						
Декабр						

2-устун Икки ставкали истеъмолчилар томонидан тўлдирилади.

Имзолар:

«Истеъмолчи»

«Корхона»

Ободон ташқириш бошқармаси

«Пешку электр таъминоти
корхонаси»

раҳбари  К.Имомов
М.У.

раҳбар  У.Тухсанов
М.У.

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G' RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

№

1. Loyiyaning turi – shartnoma
 2. Loyiyaning nomi – Peshku tuman obodonlashtirish boshqarmasi va Peshku tuman Elektr ta'minoti korxonasi o'rtasida tuzilgan elektr energiyasi etkazib berish shartnoma to'g'risida
 3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Peshku tuman obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 12.01.2022 yil ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan
- Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti:



A. Boboyev
2022 yil « 12 » yanvar